

Б.А. Тагаев,
и.ф.н., доц. ТМИ

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР - ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ СИФАТИДА

В данном статье рассмотрено значение, роль и факторы влияние на развитие экономика и анализировано привлечение прямые иностранные инвестиции(ПИИ) в страны. Также рассматриваются пути привлечение ПИИ в стабилизация экономику Узбекистана.

This article discusses the importance of the role and the influence of factors on the development of the national economy as a result of attracting foreign direct investment and analyze the involvement of foreign direct investment during the years of independence. Also considered ways to attract foreign direct investment in the stabilization of the economy.

Калит сўзлар: *тўғридан тўғри хорижий инвестициялар, модернизация, халқаро меҳнат, капитал, моддий ресурслар, чет эл корхоналари, янги теника ва технологиялар, рақобатдош маҳсулотлар, инвестицион муҳит.*

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ТТХИ ларнинг салмоғи ва улардан қанчалик даражада самарали фойдаланаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Айниқса ТТХИ маблағлари ривожланаётган давлатлар учун жуда зарур ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар капитални жойлаштириш шакли бўлиб, инвесторни қимматли қоғозларга ёки мулкка бўлган бевосита ҳуқуқидан далолат беради. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, капитал қўювчи давлат ёки унинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан инвестицияларни капитал қабул қилувчи давлат иқтисодиётига жойлаштиришини англатади.

Дарҳақиқат, инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан қуролланиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг илғор усуллари жорий этиш, фан-техника ютуқларини ҳамда инсон капитали имкониятларини тиклашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Инвестиция жалб этиш натижасида янги корхоналар бунёд этилади, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуради, рақобатдош товарлар ишлаб чиқаради, бу ўз навбатида янги иш ўринларини вужудга келишини таъминлайди.

Юртбошимиз инвестициянинг давлат ва корхона ривожига тутган ўрни, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, рақобатдош товарлар ишлаб чиқаришдаги ролини қанчалик муҳимлиги тўғрисида шундай деган эдилар - “ Барчамиз бир ҳақиқатни яхшилаб англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди”[1]. Ушбу фикрлар замирида жуда катта маъно ва мазмун мужассам этилган.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни интенсив ривожлантириш кўп жиҳатдан инвестицияларга яъни сармояларга

бориб тақалади. Ҳаттоки миллий иқтисодиётни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш ва мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишни сармояларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Умуман айтганда, ислохотларни самарали амалга ошириш, иқтисодий тараққиёт асоси, мамлакатнинг халқаро интеграцияси ва жаҳон хўжалигидаги мавқеини мустаҳкамлаш омили ҳамда унга эришишга хизмат қилувчи ва иқтисодиётни модернизация қилишнинг бош мезони ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини ҳаётга татбиқ этиш, 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастури ва 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифаларини амалга оширишда ТТХИларнинг роли ва ўрни жуда муҳимдир. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини янада таррақий эттиришда, юқоридаги вазифаларни амалга оширишда, биз танлаган мавзу долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётда хорижий инвестициялар оқимининг объектив ўзгаришларга олиб келувчи омиллари қуйидагилардан иборат:

- халқаро меҳнат, капитал, тажриба, технология, моддий ресурслар таъминоти ва тақсмотини вужудга келтиради;

- молия операцияларининг эркинлашувини ва халқаро капитал кўчиш оқимини тезлаштиришни таъминлайди;

- миллатлараро корпорацияларнинг пайдо бўлиши асосида халқаро рақобатнинг кучайишига олиб келади.

Бу омиллар ўз навбатида, иқтисодий интеграцияни кучайтиради, глобаллашув жараёнларига туртки бўлади, рақобат соҳасидаги миллий сиёсатни халқаро даражадаги сиёсат билан уйғунлашишини талаб этади ва билимлар кўламини кенгайтиришга замин яратади.

ТТХИ бугунги кунда нафақат оддий пул ўтказмалар, балки молиявий ва номоддий активлар, жумладан, технологиялар, бошқарувчилик қобилятлари, маркетинг кўникмалари кўринишида ҳам кириб келмоқда [4].

Инвестиция қабул қилаётган (реципиент) мамлакат учун ТТХИ ларнинг асосий аҳамияти қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топади:

- ✓ ТТХИ капитал тўпланишнинг қўшимча манбаси сифатида иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштиради ва иқтисодиётни таркибий қайта қуришга ижобий таъсир кўрсатади;

- ✓ ТТХИ оқими бошқа шаклдаги капитал импорти, яъни портфель инвестициялар ва банк ссудаларининг киришини рағбатлантиради;

- ✓ ТТХИ оқими улар иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг экспорт ва импорт операциялари ҳисобига мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантиради;

- ✓ ТТХИ оқими мамлакатга янги техника ва технологиялар киришини рағбатлантиради ва янги иш ўринларини яратиш орқали юқори малакали ишчиларга бўлган талабни оширади[5].

Халқаро статистика тажрибасида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг турлича тушунчаси қўлланилади. Масалан, Халқаро валюта фондининг таърифлашича, чет эл инвесторида корхона акциясининг камида 25 фоизи бўлсагина инвестициялар тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобланади. АҚШ ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки статистикаси, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра эса, ками билан корхонанинг 10 фоизи акциясига эга бўлсагина, бундай инвестициялар тўғридан-тўғри инвестиция деб тан олинади[6].

Инвестициялардан кутилаётган даромад капитал эвазига олиш мумкин бўлган фоиз ставкасидан юқорироқ даражада бўлиши керак. Шундагина капитал қабул қилувчи давлатнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга бўлган талаби қондирилган бўлади.

Хорижий капиталнинг миллий иқтисодиётга киритилиши иккала томонга ҳам манфаат келтиришни кўзлайди. Агар манфаатдорлик бўлмаса бундай муносабатлар амалга ошмайди. Капитал қабул қилувчи иқтисодиёт учун хорижий инвестициялар даромад келтирмаганда эди, у капитални қабул қилмаган бўлар эди. Капитални жойлаштирувчи (хорижий инвестор) учун эса, капитални сафарбар этишда кутиладиган даромад капитал эвазига олиш мумкин бўлган банк фоиз ставкасидан юқори бўлмаганда эди, у ўз капиталини ўзга иқтисодиётга сафарбар қилмайди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистонга кириб келиши, қисқа вақт ичида, мулкчиликнинг турли шакллари ташкил топишига кўмаклашди, Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий қайта қуришни, нуфузли тармоқларни барпо этилишини таъминлади. Энг муҳими, Ўзбекистон иқтисодиётининг байналминаллашини ва Ўзбекистоннинг халқаро бозорга ўз маҳсулотларини олиб чиқишини ва у ерда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайди. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ўсиши ва тўлов баланси ижобий қолдиқ билан яқунланиб бормоқда.

Умуман айтганда, мамлакатимизга ТТХИ нинг оқимларини кириб келиши қуйидаги вазифаларни бажаришга имкон яратади:

- Ўзбекистон иқтисодиётида қўшма корхоналарнинг барпо этилишига асос солади;
- чет эл корхоналари барпо этилишига замин яратади.
- мамлакатимизга янги техника ва технологиялар кириб келиш учун шароит туғдиради;
- кам сарф харажатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратади;
- мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, уни жадаллаштирилиши муносабати билан бевосита хорижий инвестициялар оқими фонд маблағларини харид этилишига имкон яратади.

Мамлакатимиз Президенти И. Каримов тамонидан истиқлол йилларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни юртимизга жалб қилиш учун барча ҳуқуқий ва меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, инвесторларга

кулай шарт-шароитлар яратиб ва қонунларимиз давр талаби асосида доимо такомиллаштириб борилмоқда.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўламини янада кенгайтириш имконини беради.

Жумладан,

- акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмаслигидан иборат тартиб жорий этилди;

- 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторларнинг акциядорлик жамиятларида уларга тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзда олаётган даромаддан солиқ тўлашдан озод қилинди;

- хорижий инвестицияси мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда даъво аризаси билан судга мурожаат этганда давлат божини тўлашдан озод қилинди [3].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга ҳамда энергия тежамкор ва юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётига 2000-2015 йилларида жами 205 миллиард АҚШ долларида ортиқ инвестиция маблағлари киритилган. Ушбу инвестицияларни 80 миллиард доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади[7].

Фақатгина, “2015 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 млрд. 800 млн. доллар миқдорида инвестиция жалб этилди ва ўзлаштирилди. Жами инвестицияларнинг 3 млрд. 300 млн. доллардан ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, уларнинг 73 фоизи тўғридан – тўғри чет эл инвестицияларидир”[2].

Ушбу “инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди” [2]. Бугунги кунга келиб ушбу корхоналарда товар ишлаб чиқилмоқда ва хорижий давлатларга экспорт қилиниши йўлга қўйилган.

Халқаро бозорда инкироз кузатилган 2007-2009 йилларда ялпи инвестициялар мамлакатимизда энг юқори ўсиш суръатларига эга бўлди. Хусусан, ялпи инвестициялар 2007 йилда 25,8 %, 2008 йилда 34,1%, 2009 йилда эса 24,8 фоизга ўсди ва сўнги ўн йил ичида ўртача йиллик ўсиш суръати 14,7 фоиз бўлди[5]. Ушбу рақамлар шундан далолат берадики, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш бўйича ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат қанчалик тўғрилигини яна бир бор тасдиқлаб турибди.

жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг динамикаси[7]

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016 прогноз
1	2	3	4	5	6	7	8
Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми (млрд. доллар)	9,7	10,8	11,7	13,0	14,6	15,8	17,3
Жами инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар улуши, фоиз ҳисобида	28,8	23,5	22	23,07	21,2	21,5	23,6
Жами инвестициялар таркибида тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар улуши, фоиз ҳисобида	25,1	21,2	17,3	16,6	16	15,1	14,8
Жами хорижий инвестициялар таркибида тўғридан- тўғри хорижий инвестициялар улуши, фоиз ҳисобида	87	78,8	79	72	75	73	75

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 2010 йилда 9,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2016 йилда 17,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Шунингдек, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 2010 йилда 28,8 фоизини хорижий инвестициялар ташкил қилган бўлиб, 2016 йилда жами инвестицияларнинг 23,6 фоизини, жами хорижий инвестициялар таркибида тўғридан- тўғри хорижий инвестициялар улуши 75 фоизини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу жараён ижобий ҳолат ҳисобланиб, юртбошимиз томонидан олиб борилаётган пухта ўйланган оқилона иқтисодий сиёсат ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун яратилган қулай инвестиция муҳити ҳисобланади.

Келгусида мамлакатимиз иқтисодиётини тараққий эттириш учун хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилишда қуйидаги илмий таклифларга эътиборни қаратиш лозим:

- иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш, экспортга ишлайдиган кичик ва ўрта корхоналарни кўпайтириш ва уларни самарали фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини яна давом эттириш;

- чекка ҳудудларда ТТХИ жалб этиш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришга оид давлат дастурларини ўз муддатида ижросини таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимият вакиллик

органлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари билан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва уни кучайтиришни йўлга қўйиш;

- хорижий сармоядорларни қизиқтирувчи соҳалар, объектлар ва жойларни аниқлаш ва улар тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган соҳаларга хорижий инвесторларни жалб этиш йўлларини излаб топиш;

- тармоқ хусусияти ва ҳудудларни иқтисодий ривожланиши ва уларнинг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда эркин иқтисодий зоналарни янада кўпроқ ташкил этиш орқали ТТХИ ларни жалб қилишни рағбатлантириш;

- хусусий секторга ТТХИларни жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқариш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги илмий таклифларни амалиётга жорий этиш мамлакатимизга ТТХИ ни жалб этишни янада фаоллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат пировардида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш асосида 2030 йилга бориб мамлакатимизда ЯИМ ишлаб чиқаришни 2 мартага ошириш вазифасини тўлиқ ҳал этишга имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. - Б.57.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” мавзусидаги маърузаси. //Халқ сўзи 16 январь 2016 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №51 (707). - Б. 5-6.

4. Sushama Deshmukh [2012], Effect of FDI on Emploment Generation International Referred Research Journal, [Onlaine] p 28.

5. Валиев Б. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли. Молия. Ж// 2014 й. 6-сони 106-109 б.

6. Мировые инвестиции. Деловой партнер Узбекистана, №5 (352), 1 февраль 2001, 3-бет.

7. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг 2010-2016 йилдаги маълумотлари.